

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17 МТ

Андижон шаҳри

“ ” _____ 2022 йил

“**Kamalak Grand-Group**” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи директор **Ф.Х.Марахимов** бир томонидан ва кейинга ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи “**OGOOF-M UNIVERSAL** МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари **О.Одилов** иккинчи томондан, биргаликда “**Тарафлар**” деб юритилувчилар мазкур пудрат шартномасини қуйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўчаси 73-уй манзилда жойлашган корхона тайёр махсулотлар омборини девор қисмини бузиб, сэндвич панел билан девор қуриш ишларини бажариш, “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га ишларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ишларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишларнинг қиймати.

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар қиймати “энг яхши таклифларни танлаш” электрон савдосига киритилган ва харид комиссияси томонидан танланган қийматлар асосида солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда **85 000 000** (Саксон беш миллион) сўмни ташкил қилади.

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳал қилинади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилмайди. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- иш жараёнида енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда;
- тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади;
- пудратчи томонидан асоссиз равишда қўшимча харажатлар юзага келтирилганлиги аниқланганда.
- бажарилган ишлар харажатларининг ҳисоб-китоби назорат ўлчови (контрольный обмер) ўтказилгандан сўнг нотўғри ҳисобланганлиги маълум бўлганда ва шунингдек буюртмачига боғлиқ бўлган бошқа ҳолларда.

3. Ҳисоб-китоб тартиби.

3.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома умумий суммасининг 30 (ўттиз) фоиз миқдорида олдиндан ҳақ (аванс)ни пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Тўловнинг 65 (олтмиш беш) фоизи ишлар жараёнида бажарилган ишлар ҳажмига монанд тарзда тўлаб борилади. Шартноманинг охириги 5 (беш) фоиз миқдори “ПУДРАТЧИ”га ишлар тўлиқ бажарилиб, буюртмачи томонидан қабул қилинган ва тегишли хужжатлар (Ф2,Ф3,) тўулик расмийлаштирилгандан сўнг тўлаб берилади.

4. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

4.1 Мазкур шартнома бўйича қурилиш ишларини бажариш учун барча ишларни объект лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи”га объектни мазкур шартнома шартларига мувофиқ равишда топшириш;

-объектда хавфсизлик техникаси, санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш;

-шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш.

4.2 “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларни зарур тарзда бажарилиши ҳамда бинони фойдаланишга топшириш учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкӣ жавобгар ҳисобланади.

4.3 “Буюртмачи” томонидан 30 фоиз олдиндан ҳақ ва бажарилган ишларга монанд тўловлар амалга оширилгандан сўнг, “Пудратчи” қурилиш ишларини 30 (уттиз) кун ичида яқунлаб, “Буюртмачи”га сифатли ҳолда топшириш мажбуриятини олади.

4.4 “Пудратчи” ишлар якуни бўйича “Буюртмачи” томонидан асосли эътироз бўлган тақдирда, юзага келган камчиликни бартараф этиш мажбуриятини ҳам уз зиммасига олади.

5. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари.

5.1 “Пудратчи”га корхона ҳудудида қурилиш ишларини бажариши учун керакли барча шарт-шароитларни яратиб бериш, шунингдек қурилиш ишларига монелик қилувчи омилларни бартараф этиш чораларини қуриш.

5.2 Бунақ (аванс) ва жорий тўловларни тулик амалга оширилишини таъминлаш.

5.3 Ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан олинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш.

5.4 “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилиш.

5.5 Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш.

6. Ишларни бажариш

6.1 “Буюртмачи” қурилиш жойида ўз мутахассис вакилини тайинлайди ва у бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналари шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

6.2 “Пудратчи” қурилиш ишларида сарфлаётган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларига, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

6.3 “Пудратчи” корхона худудида техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги коидаларига амал қилади, қурилиш жойини тозалигича сақлайди, қурилиш даврида келиб чиқадиган чиқиндиларни “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган жойга олиб чиқиб ташлайди.

6.4 Ишларни бажариш вақти 2022 йил «__» _____ дан 2022 йил «__» _____ кунларини ўз ичига олади.

7. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўла бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартномани бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини бажарилмаслиги бўйича жавобгар бўлмайди.

7.2 Ушбу ҳолатларда (7.1) томонлар 2 (икки) ой ичида ўзаро келишиб олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли буладилар.

8. Ишлар тугаллангандан сўнг уларни қабул қилиб олиш.

8.1 Қурилиш ишлари тугаллангандан сўнг уни “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиш шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан тулик бажарилгандан сўнг, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ўртасида расмийлаштириладиган ҳужжатлар, жумладан топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида амалга оширилади.


9. Кафолатлар.

9.1 “Пудратчи”

- Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида ва белгиланган муддатларда бажарилишини;
- Лойиҳа ҳужжатлари меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаш;
- Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифати, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник шартларига мувофиқлигини таъминлаш;
- Кафолат даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилиниши таъминлаш;
- Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, нуксонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

10. Шартномани бекор қилиш.

10.1. Куйидаги ҳолатларда «Буюртмачи» шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли:



- шартнома кучга кирганидан сўнг, қурилишни бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- «Пудратчи» томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидаларини бузилиши ва бу ўз ўрнида ишларнинг сифатини пасайишига олиб келадиган ҳолатлар аниқланганда;
- «Буюртмачи» бажарилаётган ишларнинг сифатидан қониқиш ҳосил қилмаган тақдирда.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10.2. Қуйидаги ҳолатларда «Пудратчи» шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан асоссиз равишда икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари асоссиз равишда бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

11.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда, айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

11.2. «Пудратчи» томонидан ишлар бажарилгандан сўнг «Буюртмачи» ўз вақтида пулни ўтказиб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 10% дан ошмаслиги лозим.

11.3.«Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш буйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, «Буюртмачи»га мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 10% миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.


11.4 «Буюртмачи» ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан «Пудратчи»га амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар ҳисобидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12. Ишларни бажариш муддати

12.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ бўнак (аванс) тўлови амалга оширилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.2. Қурилиш ишларининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан этиборан 30 (ўттиз) кунни ташкил этади.

12.3. Шартнома ишлар тўлиқ бажарилгунга қадар, хусусан 31.12.2022 йилгача амал қилади.



12.4. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни шартномавий мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

13. Низоларни хал килиш

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал эта олмаган такдирда, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон вилояти иқтисодий суди томонидан хал этилади.

14. Алохида шартлар

14.1. Шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

14.2. Мазкур шартномага оид барча ўзгартириш ва кўшимчалар, ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар томонидан имзолангандагина хақиқий ҳисобланади.




14.3 Ушбу шартнома ҳар икки томондан имзоланган сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда савдо электрон порталида рўйхатга қўйилади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир нусхаси бир хил юридик кучга эга ва тарафларда бир нусхадан сакланади.

13. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

“Пудратчи”

“Буюртмачи”

“OGOOF-M UNIVERSAL” МЧЖ Андижон вилояти, Андижон шаҳри Х/р: 2020 8000 8055 0747 4001 СТИР: 309 398 147 «Анорбанк» Андижон. МФО:01183 Директор:  О.Одилов	“Kamalak Grand-Group” МЧЖ  Директор:  Ф.Марахимов
---	---



12.4. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни шартномавий мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

13. Низоларни хал килиш

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал эта олмаган такдирда, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон вилояти иқтисодий суди томонидан хал этилади.

14. Алохида шартлар

14.1. Шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

14.2. Мазкур шартномага оид барча ўзгартириш ва кўшимчалар, ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар томонидан имзолангандагина хақиқий ҳисобланади.




14.3 Ушбу шартнома ҳар икки томондан имзоланган сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда савдо электрон порталида рўйхатга қўйилади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир нусхаси бир хил юридик кучга эга ва тарафларда бир нусхадан сакланади.

13. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

“Пудратчи”

“Буюртмачи”

<p>“OGOOF-M UNIVERSAL” МЧЖ Андижон вилояти, Андижон шаҳри Х/р: 2020 8000 8055 0747 4001 СТИР: 309 398 147 «Анорбанк» Андижон. МФО:01183</p> <p>Директор:  О.Одилов</p>	<p>“Kamalak Grand-Group” МЧЖ</p> <p> «KAMALAK GRAND-GROUP» М.Ч.Ж. ANDIJON SH., OBOD M.F.Y., BOBUR SHOH 73-UY, 171111 H/R: 2020 8000 6051 2903 6001 V.H/R: 2020 8840 9051 2903 6001 ATB «HAMKORBANK» BOSH OFISI MFO:00083 STIR:306763383 OKED:13910</p> <p>Директор:  Ф.Марахимов</p>
--	--

